

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТКУЛОВ АСИЛБЕК КИРҲИГИТОВИЧ

**ЭЛЕКТРОД ТАРКИБИНИ ВА СЕПАРАТОР ҒОВАКЛИГИНИ
ЎЗГАРТИРИБ, КИСЛОТАЛИ АККУМУЛЯТОРЛАР ИШ РЕСУРСИНИ
ОШИРИШ ВА ЗАРЯДСИЗЛАНИШИНИ КАМАЙТИРИШ**

02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)****Маматкулов Асилбек Кирйигитович**

Электрод таркиби ва сепаратор ғоваклигини ўзгартириб, кислотали аккумуляторлар иш ресурсини ошириш ва зарядсизланишини камайтириш 3

Маматкулов Асилбек Кирйигитович

Повышение ресурсов кислотных аккумуляторов и уменьшение их саморазряда изменением состава электрода и пористости сепаратора..... 21

Mamatkulov Asilbek Kiryigitovich

By changing the electrode composition and separator porosity, increasing the working resource of acid batteries and reducing discharge..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТҚУЛОВ АСИЛБЕК ҚИРҲИГИТОВИЧ

**ЭЛЕКТРОД ТАРКИБИНИ ВА СЕПАРАТОР ҒОВАКЛИГИНИ
ЎЗГАРТИРИБ, КИСЛОТАЛИ АККУМУЛЯТОРЛАР ИШ РЕСУРСИНИ
ОШИРИШ ВА ЗАРЯДСИЗЛАНИШИНИ КАМАЙТИРИШ**

02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2023.2.PhD/Т3571 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iopx.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эркабаев Фурқат Ильясович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаева Дилноза Жўраевна
техника фанлари доктори, профессор

Сидиков Абдужалил Сиддиқович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 03 » октябр 2024 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iopxanguz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2024 йил « 18 » сентябр куни тарқатилди.
(2024 йил « 18 » сентябр № 16 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д. Эшметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида қайта тикланувчи энергиялардан самарали фойдаланиш, мавжуд энергия манбаалари ресурсларини ошириш ва уларнинг самарасиз йўқотилишини камайтириш долзарб ҳисобланиб, мазкур соҳа олимлари бу масалага катта эътибор қаратмоқда. Турли саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган қайта тикланувчи энергия манбаалари, хусусан аккумулятор батареяларини ишлаб чиқаришда замонавий технология ва таркибларни қўллаш, энергиянинг самарасиз сарфини олдини олиш ва бунда замонавий технологияларни қўллаш, юқори иқтисодий самарадорликка олиб келади ва бу экологик нуқтаи назардан ҳам долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда кимёвий ток манбаалари ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий вазифаларидан бири кам сарфли, юқори сиғимига эга энергия манбааларини яратиш, иккиламчи хом ашёлардан (утилизация қилинган) фойдаланиб, уларни регенерация жараёнлари орқали содда технологияларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қатор илмий ечимларни асослашга хизмат қиладиган, жумладан: автомобил саноати корхоналари учун энергия сиғими юқори, энергия йўқотишлари нисбатан кам бўлган янги таркибли электродлардан иборат иккиламчи энергия манбааларини ишлаб чиқиш, иқтисодий ва экологик талаб доирасидаги технологияларни модернизация қилиш, иқлим шароитлари турлича бўлган регионларда эксплуатация қилинадиган, ҳарорат кескин ўзгарганда, шунингдек горизонтал ва вертикал ҳолатларда ишлай оладиган ҳамда ўз-ўзидан зарядсизланиш даражаси кам бўлган замонавий кимёвий ток манбаалари ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий қилиш устида олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда ишлатилиш соҳасига қараб ҳар хил катталиқдаги ва турли даражадаги энергия сиғимларига эга бўлган энергия манбааларини яратиш борасида маълум назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида йўналишида «Автомобиль саноатида кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, автомобил саноати корхоналари учун қўрғошин-кислотали аккумуляторлардаги электрод қотишмасининг таркибини ҳамда полипропилен сепараторларнинг ғовақлари ҳажмини ўзгартириш натижасида унинг юқори хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш, шунингдек ўз-ўзидан зарядсизланишини камайтиришга алоқадор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28-декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация тадқиқоти мавзусига доир замонавий илмий-техникавий адабиётлар таҳлилидан кўринадики, тадқиқ этилаётган кўрғошин-аккумуляторлар ва улардаги полипропилен материалли микроғовакли сепараторларнинг таркибий қисмлари, аккумулятордаги мусбат электроднинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг тадқиқотида коллоид-кимёвий жараёнларининг таъсирини тадқиқ этиш, шунингдек кўрғошин-кислотали аккумуляторларнинг ўз-ўзидан зарядсизланиш жараёнларида борадиган қайтар реакцияларнинг жадаллашувини камайтириш усуллариини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинган. Ўзбекистонда коллоид кимё соҳасида илмий фаолият олиб бориб, уларнинг қўлланилиш соҳаларини тадқиқ қилиш бўйича академик К.С.Ахмедов бошчилигида катта илмий мактаб яратилган. Мазкур илмий жамоанинг вакилларидан Э.А.Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С.Хамраев, С.Н. Аминов, А.А.Агзамходжаев, В.А.Циганов, А.Исмамов, Ф.Қ. Қурбонов, С.Ишанходжаев, Гуро В.П. ва бошқалар коллоид кимё йўналишини ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар.

Мамлакатимизда саноатнинг жадал ривожланиши билан замонавий технологиялар асосида тайёрланадиган иккиламчи ток манбаалари конструкцияларини такомиллаштириш устида, уларни турли иқлимли ҳудудларда самарали эксплуатация қилиш шароитлари, жумладан, корпусларини ихчам, мустаҳкам қилиб тайёрлаш, ҳажмига нисбатан энергия сиғимини ошириш, ўз-ўзидан зарядсизланиш каби салбий оқибатларни камайтириш устида олиб борилаётган ишлар мавжуд, аммо кўрғошин кислотали аккумуляторлар электрод таркибини такомиллаштириш ҳамда полипропилен материалли микроғовакли сепаратор ғовакларини қискартириш орқали унинг энергия самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ этиш, унинг коллоид-кимёвий характеристикаларини ўрганиш орқали муаммонинг ечими назарий ва амалий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация илмий тадқиқот иши Жиззах политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Server Batari» MChJ корхонаси билан бажарилган (2021 йил 15 декабрда тузилган № 51 сонли шартнома) «Аккумулятор сепараторларига адсорбцияланган электролитнинг маълум баландликда сақланиб туришига кислота концентрацияси таъсирини аниқлаш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўрғошин-кислотали аккумуляторлардаги электрод қотишмасининг таркибини ҳамда полипропилен материалли сепаратор микроғоваклари ҳажмини ўзгартириш орқали ишлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўрғошин-кальцийли аккумуляторларнинг узок муддат сақлашда хизмат кўрсатишини таъминлашда ташқи муҳит омилларининг (босим, ҳарорат, намлик каби) таъсирини ўрганиш;

кўрғошин-кальцийли электрод таркиби, микроғовакли полипропиленли сепараторлар ва уларнинг шакли, ўлчам аниқлиги ҳамда хомашё материаллар тури орқали омилларининг аккумулятор хизмат кўрсатишга таъсирини ўрганиш;

аккумулятордаги гель кўринишидаги фаол массанинг хизмат кўрсатиш муддатини ошириш учун қўш электродларни қўллашнинг экспериментал тадқиқотини тадқиқ этиш;

аккумулятордаги микроғовакли полипропилен материалли сепараторга адсорбцияланган электролит оқувчанлигининг ўз-ўзидан разрядланиш жараёнига таъсирини ўрганиш;

аккумулятордаги полипропилен материалли микроғовакли сепараторларнинг дастлабки, шунингдек ҳажми камайтирилгандан кейинги ҳолати бўйича сепаратор ғовакларининг сирт юзаси (ΔS ($\text{м}^2/\text{г}$)) ни паст ҳароратли азот адсорбция-десорбция усули орқали экспериментал тадқиқ этиш;

янги яратилган таркибли кўрғошин-кальцийли қотишмаларнинг физик-кимёвий характеристикаларини (ИҚ-спектр, Раман спектр ва рентгенфазавий таҳлил усуллари орқали) орқали тадқиқ этиш;

микроғовакли полипропилен сепараторларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини замонавий усуллар орқали аниқлаш;

аккумуляторларнинг такомиллаштирилган кўрғошин-кальцийли электрод қотишмаларини саноатда қўллаш. Янги таркибли кўрғошин-кальцийли аккумуляторни саноатда қўллашда кутилаётган техник-иқтисодий самарадорликни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кўрғошин-кислотали аккумуляторлар, ғовакли сепараторлар, кимёвий ток манбаалари, уларни ташкил этувчи электрод қотишмалари, гель кўринишидаги электролитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўрғошин - кальцийли аккумуляторларда борадиган жараён самарадорлигининг электрод қотишмаси таркибига боғлиқлиги, гель кўринишидаги электролитларнинг ишлаш самарадорлигига боғлиқлиги жараёнларини физик-кимёвий, шунингдек полипропилен материалли сепаратор ғовакларини коллоид-кимёвий қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Аналитик (титрлаш, нейтраллаш), физик-кимёвий (ИК-спектр, рентгенфазавий, Раман спектр), паст ҳарорали азот адсорбция-десорбция орқали сирт юзаси ($(\Delta S \text{ (м}^2/\text{г)})$) ҳамда ғоваклар ҳажмини тадқиқ этиш, инструментал (аккумулятор сепараторларининг турли ускуна ва мосламаларда синаш ва кўллаш) тадқиқот ва таҳлил усулларида фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўрғошин-кислотали аккумулятор ишчи қисмидаги сепараторнинг коллоид-кимёвий ҳамда янги яратилган кўрғошин-кальцийли қотишманинг физик-коллоид ва кимёвий хоссалари аниқланган.

аккумуляторлардаги полипропилен материалли сепараторнинг маълум босим остида сиқилиши натижасида ғоваклар ҳажмининг кичрайиши аниқланиб, сирт юзаси $42,4 \text{ м}^2/\text{г}$ дан $36,9 \text{ м}^2/\text{г}$ гача, t-Plot бўйича мезоғоваклар юза ҳажми $77,2 \text{ м}^2/\text{г}$ дан $67,5 \text{ м}^2/\text{г}$ га камайгани кўрсатиб берилиши натижасида умумий ғоваклар ҳажмининг дастлабки ғовакларига нисбатан 15 % га камайиши изотерма эгрлари асосида коллоид кимёвий усул орқали исботланган;

аккумуляторда битта мусбат электрод қотишмаси ўрнига кўш электрод қотишмалари кўлланганда электронлар ҳаракати қисман тартибланиши натижасида, ишлаш самарадорлигини ва хизмат муддати 30 % га узайтирилишига ҳамда 100 цикл давомидаги электр сиғимини йўқотилиши 20% гача камайтирилиши аниқланган;

рентгенфазали таҳлиллар асосида учта кўрғошин элементи битта кальций элементи бирикиб кўрғошин-кальцийли (CaPb_3) бирикма ҳосил бўлиши ва унинг миқдори 5,1 % қийматни ташкил этиши орқали кўрғошин-кальцийли қотишманинг мустаҳкамлигини ошириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўрғошин-кислотали аккумуляторларнинг ўз-ўзидан зарядсизланиш миқдорининг камайишига полипропилен микроғовакли сепаратор ғоваклари ҳажми оптималлаштирилган.

кўрғошин-кислотали аккумуляторлар ишлаб чиқаришда кўрғошин-сурма қотишмали электрод ўрнига янги таркибдаги кўрғошин-кальцийли электрод қотишмаси тайёрлаш технологияси яратилган ва вақтинчалик технологик регламент ишлаб чиқилган.

кўрғошин-кислотали аккумуляторларнинг такомиллаштирилган кўрғошин-кальцийли электрод қотишмалари ишлаб чиқаришда кўлланилган ва кутилаётган техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижалар кимёвий (титрлаш ҳамда нейтраллаш), физик-кимёвий (ИК-спектр, Раман спектр, рентгенфазавий таҳлил), коллоид-кимёвий (паст ҳарорали азот адсорбция-десорбцияси) таҳлил натижалари, инструментал (аккумулятор сепараторларининг турли ускуна ва мосламаларда синаш ва қўллаш) асосида, шунингдек тажриба-синов натижаларининг назарий ҳисоблаш натижаларига мос келиши ҳамда ишлаб чиқаришга йўлга қўйилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, иккиламчи қўрғошин-кислотали аккумулятор батареяларида ўз-ўзидан зарядсизланиш жараёни турли ташқи омиллардан ташқари сепараторнинг ғоваклигига, электрод тайёрланадиган қотишмаларнинг таркибига ва гель кўринишидаги фаол массанинг оқувчанлигига боғлиқ бўлиб, тадқиқотлар давомида олинган натижалар аккумуляторларнинг ўз-ўзидан зарядсизланишини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кимёвий ток манбаалари, хусусан қўрғошин-кислотали аккумуляторлар ишлаб чиқаришда қўрғошин-сурма қотишмали электрод таркибидаги сурманинг ўрнига кальций метали киритилиши ҳисобига тескари реакциялар секинлаштирилиши орқали ўз-ўзидан зарядсизланишини камайтиради ва бу эса самарадорлиги юқори бўлган замонавий аккумуляторлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади. шунингдек, тадқиқот натижаларида олинган маълумотлар ОТМ бакалавриат ва магистратура талабаларига мутахассислик фанидан тор йўналишларга оид билимларини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кислотали аккумуляторлар учун ўз-ўзидан зарядсизланиш жараёнини камайтириш мақсадида янги таркибдаги қўрғошин-кальций қотишмали ва қўш электродларни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кислотали аккумуляторлар учун янги таркибдаги қўрғошин-кальций қотишмали электродларни қўллаш технологияси «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ ишлаб чиқариш шароитида амалиётга жорий қилинган («Узавтосаноат» АЖнинг 2023 йил 16 июндаги 17/17-25-0822-сон маълумотномаси). Натижада, аккумуляторлардаги қўрғошин-сурма электродларни янги қўрғошин-кальций электродлар билан алмаштириш аккумуляторларнинг ўз-ўзидан зарядсизланишини йилига 23,9% га камайтириш имконини берган;

аккумуляторлардаги калин мусбат электрод қотишмалари ўрнига қўш электродларни қўллаш «Жиззах аккумулятор заводи» АЖда амалиётга жорий қилинган («Узавтосаноат» АЖнинг 2023 йил 16 июндаги 17/17-25-0822-сон маълумотномаси). Натижада, аккумулятор конструкциядаги калин мусбат электродлар қўш электродларга алмаштирилганда аккумулятор 100 иш циклида электр сифимининг пасайишини 20% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 20 та, жумладан 4 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан Scopus руйхатига кирган журналларда 1 та мақола, шунингдек 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва ҳозирги кундаги зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, шунингдек чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қўрғошин-кислотали аккумуляторлар тизимлари бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётларнинг шарҳлари танқидий ва таҳлилий асосда шакллантирилган бўлиб, бугунги кундаги долзарб муаммоларнинг мазкур соҳа олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишланмалари таҳлил этилган. Диссертация ишида қўрғошин-кислотали аккумуляторларда электрод қотишмасининг кимёвий таркибини ҳамда сепаратор ғовақлари ҳажмини ўзгартириш натижасида, унинг хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш ва зарядсизланишини камайтириш мақсад сифатида белгилаб олинган ва қатор вазифаларнинг ечими белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Қўрғошин-кислотали аккумулятор ишчи қисмларининг коллоид- кимёвий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида аккумуляторларнинг иш самардорлигини оширишда сепараторлар сирт юзаси ва ғовақлар ҳажмининг ўзгаришлари бўйича олиб борилган экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, бунда сепаратор сиқилиш даражасининг юклама катталигига боғлиқлиги таъсири, электролитнинг сепараторга сорбцияланиш даражаси ва унинг турли босимларда сепаратор ғовақларининг ўзгаришига таъсирлашиши, шунингдек сепараторга сорбцияланган электролит сатҳининг ва баландлигининг тақсимланиши бўйича тадқиқотлар уларнинг ғовақлари ҳажми бўйича маълумотларни олинган. Тадқиқотлар давомида эса дастлабки ҳамда ғовақларининг ҳажми камайтирилган, яъни маълум босим остида

таъсирлашувдан кейинги кўринишдаги электролит сифатида танланган маълум концентрацияда сульфат кислота юттирилган сепараторнинг паст ҳароратли азот адсорбция ва десорбцияси бўйича сирт юзалари ва ғовакларининг ҳажми бўйича қиёсий натижаларининг таҳлиллари бажарилган.

Мазкур диссертация тадқиқот ишида дисперс қаттиқ модда (объект) сифатида аккумуляторлар учун асосий қисмлардан бири бўлган сепаратор ҳисобланади. Сепаратор (полипропилен хомашёси) юпқа ғовакли мембрана бўлиб, анод ва катодни ажратувчи ҳамда улар ўртасидаги қисқа туташувларни олдини олиш ва улар орасидаги ионлар оқимини таъминлаш орқали батареянинг ишлашида асосий рол ўйнайди. Сепаратор ва унинг ғовак ҳажмларида суюқ модда сифатида сульфат кислотанинг тарқалиши дисперс системани ташкил этади.


Қўрғошин-кислотали аккумулятордаги электролитнинг полипропиленли сепаратор микроғовакларига сорбцияланишидаги боғлиқликни ўрганиш жараёни бўйича тажрибалар олиб борилди. Тадқиқотлар жарёнида микроғовакли полипропилен материалли сепаратор ғовакларида тақсимланадиган электролитнинг сорбцияланиш кинетикасини ўрганиш учун статик босимда сепаратор ғовакларида 27 % ли сульфат кислота сорбцияланиш жараёнлари олиб борилди. Жараён давомида олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Полипропиленли сепаратор ғоваклари ҳажмининг босим ўзгаришига боғлиқлиги

Р, кПа	100	200	300	400	500	600	700	800	900	1000
γ_p , %	91	90,6	88,1	86,5	84,8	82,4	78,1	75,5	72,9	70,3


Полипропиленли сепараторлар зичлиги $1,27 \text{ г/см}^3$ бўлган электролит билан сорбцияланганда бериладиган юклама даражасининг ўзгариши сепартор чўзилишига боғлиқлиги эгрилигидаги маълумотлар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Электролит билан тўлдирилган сепараторда босим ўзгаришининг сепаратор чўзилишига боғлиқлиги


2-расмда электролит билан тўлдирилган сепараторда босим ўзгаришининг сепаратор чўзилишига боғлиқлиги эгрилиги бўйича маълумотлар келтирилган ва 100 кПа да 4,6 %, 200 кПа да 5,2 %, 500 кПа да 7,6 %, 600 кПа да 7,9 % қийматларга эга бўлди. Натижалардан хулоса шуки, аккумулятор блокини йиғишда сепараторларга бериладиган босимни мақбуллаштиришни эътиборга олиш талаб қилинади. Сепараторларни сиқиш даражаси электролитнинг умумий баландлик бўйлаб текис тақсимланиши, сепаратордаги электролит ҳажми ва кислороднинг айланиши самарасини эътиборга олган ҳолда танланиши лозим.

Сепараторга адсорбцияланган электролитнинг маълум баландликда сақланиб туришига кислота концентрацияси таъсирини ва оптимал шароитларини танлаш бўйича тажрибалар олиб борилди. Бунда электролит оқувчанлигининг сепараторни турли сиқилиш даражаларида турли электролит зичликларида қай даражада ўзгариши амалда текширилди (3-5-расмлар). Тажрибаларни қатлами 4 қаватли сепараторда мос равишда сиқиш даражалари 0 %, 40 % ва 70 % бўлганда ҳамда электролит сифатида 28 % ли ва 37 % ли сульфат кислота қўлланганда (28 % ли электролит аккумулятор ишлайдиган энг кичик концентрация, 37 % ли электролит янги аккумуляторга қуйиладиган электролит концентрациялари) эгрилик чизиқларининг ўзгариши кузатилди.



3-расм. Электролитнинг сепаратор баландлиги бўйича тарқалиши. Сиқилиш даражаси 0%; кислота концентрацияси В – 28 %, С- 37 %

Бунда 3-расмда сиқилиш даражаси 0% бўлганда кислота концентрацияси электролитнинг полипропиленли сепаратор баландлиги бўйлаб тарқалишига таъсир қилмаслиги аниқланди.




4-расм. Электролитнинг сепаратор баландлиги бўйича тарқалиши. Сиқилиш даражаси 40 %; кислота концентрацияси 1– 28 %, 2-37 %

Тажрибалар давомида 2 қаватли сепараторда сиқилиш даражаси 40 % бўлган намунада кислота концентрацияси электролитнинг сепаратор баландлиги бўйлаб тарқалишига таъсирнинг камлиги кузатилди. Электролитнинг сепаратор баландлиги бўйича тарқалиши бўйича тадқиқот натижалари 4-расмда келтирилган.

Сиқилиш даражаси 70 % бўлган учинчи намунада эса кислота концентрацияси электролитнинг сепаратор баландлиги бўйлаб тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган (5-расм).

Сепараторлар 70 % гача сиқилганда ундаги нисбатан йирик ғовакликларнинг ўлчамлари кичраяди, боши берк ғовакликларнинг сони кўпаяди ва электролитни баландликда ушлаб туришда капилляр кучларнинг роли орта бошлайди. Ўтказилган тадқиқотлар давомида олинган натижалардан маълум бўлдики, сиқилиш даражаси 0-40 % бўлганда, кислота концентрациялари 28-37 % да электролитнинг сепаратор баландлиги бўйлаб тарқалиш самарасига, оқиб кетишига деярли таъсир қилмайди. Сиқилиш даражаси 50-70 % да унинг қийматига қараб турли концентрацияли электролитларнинг сепараторда оқиб кетиши фарқ қилади, бунда концентрацияси ошиб бориши билан унинг оқиб кетиши камайиб боради.



5-расм. Электролитнинг сепаратор баландлиги бўйича тарқалиши. Сиқилиш даражаси 70 %; кислота концентрацияси 1– 28 %, 2-37 %

Полипропилен материалли микроҗовакли сепараторнинг дастлабки ва маълум босим остида сиқилгандан кейинги җовакларининг ҳажмига паст ҳароратли адсорбатнинг адсорбцияланишининг қиёсий натижалари бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Экспериментал тадқиқотлар асосида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили асосида унинг солиштирма сирт юзаси дастлабкига нисбатан деярли 14 % га, t-Plot бўйича микроҗовак ўлчами эса 13 % га, умумий мезаҗовакларининг ҳажми эса 15 % га камайганини кўрсатди.


2-жадвал

Паст ҳароратли азот адсорбцияси бўйича дастлабки ва кейинги сепараторларнинг қиёсий текстура характеристикалари

Муҳим тестур характеристикалари	Дастлабки полипропилен сепаратор намунаси	Сиқилган сепаратор намунаси
$S_{БЭТ}, м^2/г$	42,4000	36,8884
t-Plot бўйича микроҗоваклар ўлчами, $м^2/г$	41,8100	40,9598
t-Plot бўйича ташқи сирт майдони, $м^2/г$	77,2342	67,4664
ВН адсорбциясида җоваклар сиртининг умумий майдони, $м^2/г$	61,5734	55,4808
ВН десорбциясида җоваклар сиртининг умумий майдони, $м^2/г$	143,6808	124,1310
t-Plot бўйича микроҗовакларнинг ҳажми, $см^3/г$	0,017324	0,012695
Мезаҗовакларнинг умумий ҳажми, $см^3/г$	0,077293	0,066022
Ғовакларнинг умумий ҳажми (НК), $см^3/г$	0,014753	0,013652
Ўртача җовак диаметри (4V/A by BET), Å	9,325 Å	7,601 Å
Ғовакнинг ўртача кенглиги, Å	14,310 Å	12,562 Å

Бунда сепараторнинг умумий ҳажми (t-Plot) ўзгармасдан доимий сақланганини кўриш мумкин.

Ҳар иккала намунада ҳам микроҗовакларнинг мавжудлиги изотерма натижаларидан кўринади, аммо адсорбцияланиш миқдорининг камлиги орқали дастлабки сепараторнинг җоваклари ҳажмининг миқдори 15 % миқдорга қадар камайганини кўрсатади. Мазкур қиймат эса дастлабки сорбцияланишда тахминан $280 см^3/г$ дан юқори кўрсаткични кўрсатса, ҳажм җоваклари сиқилгандан кейинги намунада сорбцияланиш миқдорининг қиймат кўрсаткичи бирмунча камайганини, яъни $200 см^3/г$ қиймат миқдоригача сорбцияланишни кузатиш мумкин (6-расм).




6- Расм. Паст ҳароратли азот адсорбцияси бўйича дастлабки ва кейинги сепараторларнинг қиёсий изотерма натижалари

Полипропилен материал асосида тайёрланган сепаратор ҳамда маълум босим иштирокида ғовакларининг ҳажми камайтирилган намуналарда паст ҳароратли азот адсорбция-десорбция усули орқали олинган текстур характеристикалари сепаратор намунасида микроғоваклар мавжуд эканлигини, шунингдек дастлабки намунага нисбатан кейинги ҳажми 15 % га камайганини, бу эса сепаратор ғоваклари ҳажмига сорбцияланадиган электролит миқдорини ва оқувчанлигининг камайишига ҳамда қўрғошин-кислотали аккумуляторнинг иш қобилиятини ошишга хизмат кўрсатишини тўла тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Қўрғошин-кальцийли қотишманинг физик ва коллоид – кимёвий хоссалари» деб номланган учинчи бобида қўрғошин-кальцийли қотишманинг физик-кимёвий характеристикалари ҳамда гел кўринишидаги электролитларнинг қўлланилиши бўйича экспериментал натижалар қўлга киритилган. Бунда эса қўрғошин-кислотали аккумуляторлар учун янги таркибдаги қўрғошин-кальцийли электродлар ишлаб чиқиш технологияси яратилган. Янги таркибдаги қўрғошин-кальцийли қотишманинг физик-кимёвий характеристикалари ИҚ-спектр ва Раман спектр, шунингдек рентгенфазавий таҳлил усулларида аниқланган (7-расм).

ИҚ-спектридаги тебраниш частоталари тегишли қийматлар орқали ифодаланганда 3273 см^{-1} соҳада Me–OH гуруҳларнинг валент тебранишини, 2928 см^{-1} ва 2856 см^{-1} соҳаларда эса C–H тебранишларини, 1393 см^{-1} соҳада бўлса Ca–O боғининг валент тебранишини, шунингдек 1018 см^{-1} - 1179 см^{-1} соҳада Me–OH гуруҳнинг деформацион тебранишини, 677 см^{-1} соҳада эса Pb–O боғларининг валент тебранишини, 535 см^{-1} соҳада Pb–O деформацион


тебраниши ҳамда 466 см^{-1} соҳаларда Ca-O тебраниши ҳисобига борадиган тебраниш частоталарини кузатилиши аниқланди.



C:\Users\BRUKER\Documents\Bruker\OPUS_8.7.10\DATA\MEAS1.14 1 Instrument type and / or accessory 4/22/2024

Page 1/1

A)



C:\Users\Public\Documents\Bruker\OPUS_8.7.10\Data1_1_0_0_20240422-145450_en.0 1 1 22.04.2024

Page 1 of 1

B)

7–расм. Қўрғошин кальцийли қотишманинг А) ИҚ (7.1) ва Б) Раман спектр (7.2) таҳлили

Тадқиқот давомида мазкур қўрғошин кальцийли қотишманинг таркибида Al, Pb каби бошқа бирикмаларнинг ҳам маълум миқдорда мавдужлиги тасдиқланди.

3- жадвал

Қўрғошин-кальцийли қотишманинг маълум ютилиш соҳаларида ҳосил бўлган функционал гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар


Функционал гуруҳлар	Me-OH	Pb-O	Al-OH	Ca-O	Pb-O
Ютилиш соҳаси	3273 см^{-1}	828 см^{-1}	427 см^{-1}	1393 см^{-1} , 466 см^{-1}	677 см^{-1} , 535 см^{-1}

Олиб борилган экспериментал тадқиқотлар адабиётлар таҳлилига мос бўлиб, Sb-O учун ҳос бўлган асосий интенсив тебранишлар 1617 см^{-1} соҳада ҳамда 1401 см^{-1} соҳаларида кенгайган шаклида намоён бўлиши маълум эканлиги аниқланди. Олинган қўрғошин-кальцийли қотишма намунасининг Раман-спектридаги тебраниш частоталари тегишли қийматлар (4- жадвал) асосида 958 см^{-1} соҳада Ca-O боғининг тебраниши, соҳада Pb-O боғларнинг тебраниши, 427 см^{-1} соҳада Al-OH гуруҳ тебраниши 466 см^{-1} соҳаларда Ca-O тебраниши ва 333 см^{-1} соҳада Pb-O тебраниши ҳисобига тебраниш частоталари кузатилиши аниқланди.

Қўрғошин-кальцийли қотишманинг рентгенфазавий тадқиқоти ICDD PDF-2 2011 ҳамда COD (Crystallography Open Database) натижалари таҳлилида халқаро маълумотлар баъзасига эга бўлган Crystall impact match 3.16 дастуридан фойдаланилди (8-расм).

Қўрғошин-кальцийли қотишма намунасининг Раман спектр таҳлили бўйича олинган натижалари

Функционал гуруҳлар	Ca-O	Pb-O	Al-OH	Ca-O	Pb-O
Ютилиш соҳаси	958 cm^{-1}	828 cm^{-1}	427 cm^{-1}	466 cm^{-1}	333 cm^{-1}




8-расм. Кальций орқали бириккан қўрғошин қотишмасининг рентгенограммаси

Тадқиқотлар давомида 8-рамда келтирилган рентгенфаза таҳлил натижалари тажриба намунасида асосан Pb [96-101-1120] ($d = 2.85, 2.47, 1.75, 1.49, 1.42, 1.23, 1.13, 1.10, 1.01$ ва 0.95 \AA), PbO [96-152-6265] ($d = 3.10, 1.86, 1.67$ ва 1.53 \AA) ва CaPb₃ [96-591-0097] ($d = 2.83, 2.44, 1.54 \text{ \AA}$) тегишли дифракция чизиқлари борлигини исботлаб берди. Тажриба намунасини миқдорий таҳлил қилинганда эса Pb - 57,9 %, PbO - 34 %, CaPb₃ – 5,1 % ни ташкил қилиши аниқланди.

Рентгенфаза таҳлил натижаларини ва ҳалқаро маълумотлар базаси - ICDD PDF-2 билан солиштирилганда Pb, PbO, CaPb₃ бирикмалар учун барча дифракцион максимумлар тўлиқ мос келиши тасдиқланди. Олинган натижалардан намуна таркибига легирлаш мақсадида қўшилган Ca метали Pb билан CaPb₃ бирикмасини ҳосил қилиши аниқланди. Бунда Ca металининг миқдори умумий массага нисбатан 1-1.5 % миқдорида қўшилганини инобатга олиб, рентгенфаза таҳлил натижаларида учта қўрғошин элементига битта кальций элементи бирикиб қўрғошин-кальцийли (CaPb₃) бирикма ҳосил бўлган ва унинг миқдор 5.1 % қийматни ташкил этишининг аниқланиши натижаларни ишончлилигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Янги таркибдаги қўрғошин-кальцийли электрод қотишмаларини саноат–синови натижалари ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобда олинган натижалар асосида қўрғошин-кальций қотишмали электроддан иборат аккумулятор батареялари ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси яратилган (9-расм).



9- расм. Қўрғошин-кальцийли электродли аккумуляторлар тайёрлаш жараёни
принципиал технологик схемаси

Янги таркибдаги кўрғошин-кальцийли электродларни “JIZZAX AKKUMULYATOR ZAVODI” АЖ ишлаб чиқариш шароитида саноат-тажриба синовлари натижалари келтирилган. Кислотали аккумуляторлар учун янги таркибдаги кўрғошин-кальцийли электродларни қўллашдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик “JIZZAX AKKUMULYATOR ZAVODI” АЖ корхонасида фақат сурмани кальцийга алмаштиришдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик 20,0 млрд сўмни ташкил қилган (5-жадвал).

5-жадвал

“JIZZAX AKKUMULYATOR ZAVODI” АЖ корхонасида янги технологияни жорий қилишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик

Хом ашё	1 та аккумуляторга сарф, кг	1 йил учун сарф, кг	Нархи, Сўм/кг	Жами харажатлар, млн.сўм
Сурма	0,034	34 000	40 000	1 360,0
Кальций	0,002	2 000	30 000	+ 60,0
Янги таркибли электрод қотишмасини қўллашдан кутилаётган йиллик фойда				1 300,0

“JIZZAX AKKUMULYATOR ZAVODI” АЖ корхонасида бир йилда 1 000 000 дона шартли аккумулятор ишлаб чиқаришда кўрғошин-сурмали қотишма олишда сурма учун йилига 1 360,0 млн сўм харажат қилинади, бу электродни кўрғошин-кальцийли электродга алмаштирилганда 60 млн сўмлик кальций сарф бўлади, ҳар бир аккумулятордан 1300 сўм иқтисод қилинса, йиллик ишлаб чиқариш қувватини ҳисобга олганда йилига 1,3 млрд сўм фойда олиш мумкин.

ХУЛОСА

1. Сепаратор сиқилиш даражасининг юклама катталигига боғлиқлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилиндики, сепараторнинг оптимал ғовақлигини ва мустақамлигини максимал даражада сақлаб қолиш учун сепараторни сиқиш тезлиги иложи борица минимал даражада олиб борилиши керак.

2. Тадқиқотлар давомида полипропилен материалли сепараторга электролит сорбцияланганда унинг ҳамжмий кенгайишини ҳамда микроғовақли сепараторни маълум босим остида сиқилгандан кейин ортга қайтмаслиги аниқланди ва буни аккумулятор элементларини йиғиш жараёнида эътиборга олиш лозим.

3. Электролитнинг баландлик бўйича тақсимланишига микроғовақли сепараторнинг сиқилиш даражасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан, сепараторларни сиқиш даражаси электролитнинг бутун баландлик бўйлаб текис тақсимланиши, сепаратордаги электролит ҳажми ва кислороднинг айланиши самарасини эътиборга олган холда танланиши керак.

4. Электролитнинг сепаратор баландлиги бўйича тақсимланиши кислота концентрациясига боғлиқ бўлиб, электролитнинг зичлиги камайиши билан унинг оғирлиги камаяди, зичликнинг камайиши қовушқоқликнинг йўқолишига олиб келади, бу эса унинг сепаратордан пастга оқиб кетишини кучайтиради ва иш самарасини туширади.

5. Қўрғошиннинг кальций метали билан қотишмаси қўрғошиннинг мустақамлигини ошириб, ички ва ташқи деформацияга чидамли бўлишини таъминлайди, ўз-ўзидан зарядсизланишини камайтиради, шунингдек аккумуляторларнинг эксплуатацион хоссаларини ошишига хизмат қилади.

6. Гель кўринишидаги қуюқлаштирилган электролитлар қўлланганда, гель холдаги электролит электрод блоки ғоваклариде фаол масса турғунлигини оширади, оқувчанлигини камайтиради, натижада бундай аккумуляторлар оддий электролитли аккумуляторларга қараганда 2 марта кўп хизмат қилади.

7. Қўрғошин-сурма қотишмалде электрод таркибидеги сурма кальцийга алмаштирилганда ўз-ўзидан зарядсизланиш даражаси йилига 24 % гача камайди. Янги технологияни қўллашдан кутилаётган фойда битта корхона мисолида 20,0 млрд сўмни ташкил этди ва таклиф этилаётган гель кўринишидаги электролитлар қўллаш эса хизмат кўрсатилмайдиган кимёвий ток манбаалари тайёрлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**

ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАМАТКУЛОВ АСИЛБЕК КИРЙИГИТОВИЧ

**Повышение ресурсов кислотных аккумуляторов и
уменьшение их саморазряда изменением состава
электрода и пористости сепаратора**

02.00.11- Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером № В.2023.2.PhD/T3571

Диссертация выполнена в Джизакском политехническом институте.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Эркабаев Фуркат Ильясович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Жумаева Дилноза Джураевна
доктор технических наук, профессор

Сидиков Абдужалил Сиддиқович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится “3” октября 2024 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02./30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии (Адрес: 100170, Ташкент, Мирзо Улугбек, 77-а.тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionxanruz@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (Зарегистрировано № 16). Адрес: 100170, Ташкент, ул. Мирзо - Улугбека, 77-а.тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Автореферат диссертации разослан “18” сентября 2024 года.
(реестр протокола рассылки № 16 от «18» сентября 2024 года).



Б.С. Закиров
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

Д.С. Салиханова
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

И.Д. Эшметов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученой
степени, д.х.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня эффективное использование возобновляемых источников энергии, увеличение ресурсов существующих источников энергии и снижение их неэффективных потерь считаются актуальными во всем мире, и ученые в этой области уделяют этому вопросу большое внимание. Использование современных технологий и комплектующих при производстве возобновляемых источников энергии, особенно аккумуляторов, производимых на различных промышленных предприятиях, предотвращение неэффективного потребления энергии и использование при этом современных технологий, приводит к высокой экономической эффективности, и это считается актуальным с экологической точки зрения.

В мире одной из основных задач предприятий по производству химических источников энергии является создание недорогих, мощных источников энергии, используя вторичное сырье (утилизируемое) и создавая простые технологии за счет процессов его регенерации. В этом отношении он служит обоснованием ряда научных решений, в том числе: разработка вторичных источников энергии, состоящих из электродов нового состава с высокой энергоемкостью и относительно низкими энергопотерями для предприятий автомобильной промышленности, модернизация технологий в рамках экономических и экологических требований, особое внимание уделено исследованиям по внедрению новых технологий в производство современных химических источников энергии, которые эксплуатируются в регионах с различными климатическими условиями, могут работать в горизонтальном и вертикальном положениях, имеют низкую скорость саморазряда.

В нашей республике достигаются определенные теоретические и практические результаты по созданию источников энергии различной мощности и разного уровня энергетической мощности в зависимости от области использования. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи «Увеличение объёма производства в 1,4 раза и объёма экспорта в 2 раза за счёт дальнейшего развития кооперации в автомобильной промышленности». В связи с этим для предприятий автомобильной промышленности актуальной является разработка технологии, связанной с повышением ее высокой эффективности службы и снижением саморазряда в результате изменения состава электродного сплава в свинцово-кислотных аккумуляторах и размера полипропиленовые сепараторы.

Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности», УП -4937 от 28 декабря 2020 года «О мерах по

реализации инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021-2023 годы», УП -4992 от 13 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому укреплению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», а также данное диссертационное исследование служит в определенной степени решению задач, определенных в нормативных правовых документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследований приоритетам развития науки и техники республики. Данное исследование является седьмой частью развития общественной науки и техники. Оно осуществлялось в рамках приоритетного направления «Химические технологии и нанотехнологии».

